O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 22 август ШАНБА
№ 67 (12.183)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz





## Мустақилликнинг 18 йиллигига

**Истиқлол шарофати туфайли юртимизда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Сиёсий-иқтисодий, тадбиркорлик, таълим, маориф, тиббиёт, спорт, қурилиш, қўйингки, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида буни кузатишимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида янгиланиш нафаси уфуриб турибди.**



# ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Ўртачирчиқ тумани Ҳақиқат қишлоғида фаолият бошлаган масъулияти чекланган жамият мақомидаги "Секко – Александрия" қўшма корхонаси фикримизнинг далилидир. Корхона мева ва сабзавотларни қуритиб, қайта ишлашга ихтисослашган. Унда 80 ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. 50 турдаги мева ва сабзавотларни қайта ишлашга мўлжалланган корхона бугунгача 15 турда маҳсулот тайёрламоқда.

– Бир йилда 300 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эгамиз, – дейди корхона раҳбари Равшан Ҳикматов. – Ҳомийларимиз қисқа фурсатда республикадаги етакчи корхоналар сафидан ўрин эгаллашимизга ишонч билдиришди. Режамизда Европа ва Россия давлатлари билан шартномалар имзолаш ҳам кўзда тутилган.



– Бир сменада 2,5 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарамиз, – дейди ишчи Анвар Мирмажидов. – Корхона очилиши биз ёшларга катта қулайлик яратиб, аҳоли бандлигини таъминламоқда.

Технологиялар Италиядан келтирилган бўлиб, дастлабки маҳсулот намуналари Россия давлатига юборилди.

**Ирода НОРБОЕВА.**

**СУРАТЛАРДА:** корхонада ишлаб чиқариш жараёни қизғин кечмоқда.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Тошкент шаҳрини «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри "Мустақиллик" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 20 август.

**Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

# ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ШАҲРИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш доирасида ўтказилган мазкур тадбир Тошкентнинг миллатлараро муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришдаги ўрнига бағишланди. Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда Республика байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда дўстлик жамиятлари раислари ва аъзолари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихона ва ваколатхоналари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар билан кўп томонлама алоқаларида Тошкент муҳим ўрин тутади. Пойтахтимиз нафақат маданият, илм-фан, маънавият ва маърифат маркази, балки тинчлик ва дўстлик рамзи сифатида ҳам дунёга кенг танилган. Мустақиллик туфайли кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкентнинг дунё миқёсидаги нуфузи ва обрў-эътибори ошиб бораётир. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини кенг нишонлаш тўғрисида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг қарори қабул қилингани пойтахтимизнинг нафақат жаҳон цивилизацияси, балки бугунги кун халқаро муносабатлар ривожида ҳам муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

Тошкент ислом дини ва маданияти ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган шаҳарлардан ҳисобланади. Нуфузли халқаро ташкилот – Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг тасдиғидир.

Қадимий ва навқирон шаҳар тарихини ўрганиш кўпмиллатли халқимизни, айниқса, улғайиб бораётган ёш авлодни меҳр-оқибат, бағрикенглик, ватанпарварлик, жонажон юртимизга муҳаббат, халқимиз тарихи ва анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда пойтахтимизнинг тарихи, бу ерда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, дунё мамлакатлари ҳамда шаҳарлари билан дўстлик алоқалари ҳақида етакчи олимлар, мутахассислар маъруза қилдилар. Шунингдек, мамлакатимизда яшаб келаётган турли миллат ва элат вакиллари, чет давлатларнинг республикамизда фаолият юритаётган элчихоналари вакиллари Ўзбекистон, жумладан, Тошкент шаҳри яқин ўтмишда юз берган қийинчилик вақтлари уларни ўз бағрига олгани, бошпана бериб, меҳрибонлик кўрсатгани ҳақида гапирдилар.

Тадбир давомида Тошкент шаҳрининг тарихи ва бугунги куни акс эттирилган фотосуратлар кўргазмаси намойиш этилди. Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ижросида Ватанни, дўстлик ва бағрикенгликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

**Гўзал САТТОРОВА, ЎзА мухбири.**

## Танлов

**Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча жабҳаларда бўлгани сингари маҳалла тизимининг ҳам янги истиқболига йўл очилди. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида шаклланиб, халқимизнинг ўзига хос ҳаёт тарзига айланган бу жамоавий тузилма мустақиллик туфайли том маънода қайта туғилди.**

# МАСЛАҲАТЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан ҳудудида камида 500 оила яшайдиган барча маҳаллаларда, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарда, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди.



Маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларни бартараф этиш, носоғлом муҳит юзага келган оилаларни аниқлаш ва ёрдам бериш, муаммоли, нотинч оилалар билан якка тартибда ишлаш хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, миллий анъаналар, урф-одатларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш каби ишлар маслаҳатчилар зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардир.

Бу борада уларнинг иш фаолиятини, ижобий натижаларини оммалаштириш мақсадида 2005 йилдан буён "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида анъанавий тарзда "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавият-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Куни кеча вилоят Маънавият ва маърифат маркази мазкур кўрик-танловнинг белгиланган ҳудудлар бўйича республика босқичига мезбонлик қилди. Унда Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган танловда ғолиб бўлиб, республика босқичига йўлланма олган маслаҳатчилар ўзаро беллашишди.

Танлов шартлари маҳалла маслаҳатчилари бугун чиндан ҳам замон талабларига мос равишда фаолият юритишга қодир, ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган етакчи шахсларга айланиб улгурганини кўрсатди. Қизғин ва муросасиз баҳслар натижаларига кўра 1-ўрин пойтахт вакилига, қолган ўринлар Андижон, Фарғона, Тошкент вилояти маслаҳатчиларига насиб этди.

**СУРАТДА:** танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**Шу йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепция" ишлаб чиқди.**

# САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Ушбу концепцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даври уч босқичда амалга оширилиши таъкидланди. Сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўриш "Тайёргарлик босқичи" (2009 йил май ойи ўртасидан сентябрь ойигача) даврида сайловчиларга, сайлов жараёни иштирокчиларига сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини тушунтириш, аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш назарда тутилди. "Сайлов кампаниясининг асосий босқичи"да сайлов кампаниясининг бошланганлигини эълон қилиш, сайлов округлари, сайлов участкалари, сайлов комиссияларини ташкил этиш каби масалалар назарда тутилади. "Сайлов кампаниясининг якуний босқичи"да қонуннинг депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакилларини номзод қилиб кўрсатиш ва рўйхатга олиш тартибини белгилайдиган қоидаларга, уларга нисбатан қўйиладиган талабларга сўзсиз амал қилиш, номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизининг квотага риоя қилишни таъминлаш, номзодлар билан сайловчилар ўртасида учрашувлар ташкил қилиш ва шу каби овоз бериш якуни билан боғлиқ масалалар қамраб олинади.

Концепцияда бўлажак сайловлар сифат жиҳатидан янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтказилиши алоҳида таъкидланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, унга сайлов тизимига оид алоҳида бобнинг киритилиши мамлакатимизда янги сайлов қонунчилигининг шаклланишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу мустаҳкам ҳуқуқий замин ва ўзбек давлатчилигининг тажрибасига таянган ҳолда халқаро демократик мезонларга мос келадиган сайлов қонунчилиги тизими яратилди.

"Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун шу йил 1 июлдан кучга кирди. Ушбу қонуннинг қабул қилинишидан кўзланган мақсад нима? У орқали қандай янгиликлар жорий этилди ва уларнинг амалий аҳамияти қандай? Яна қандай янгиликларни жорий этиш лозим? деган саволлар туғилиши табиий, албатта. Бу саволларнинг барчасига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ишлаб чиққан концепциядан жавоб олиш мумкин.

Биринчидан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сони 120 нафардан 150 нафарга етказилди. Уларнинг 135 нафари ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланса, қолган 15 нафари янги ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ажратилган квотага биноан ҳаракат конференциясида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Экологик ҳаракатга катта ишонч ва ваколат берилишининг муҳим шарти атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашнинг янги ҳуқуқий механизмини жорий этишдан иборатдир.

Иккинчидан, янги қонун бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатликка номзод кўрсатишда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштироки бекор қилинди. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар фаолияти етарли шаклланмаганлиги сабабли жойларда фуқаролар ташаббускор гуруҳлари тузилиб, уларга депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилган эди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, амалга оширилган қатор ижобий ислоҳотлар, сиёсий партиялар фаолиятининг такомиллашуви сайлов жараёнларида ташаббускор гуруҳларнинг иштирокига зарурат қолмаганлигини тасдиқламоқда.

Учинчидан, сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институтининг киритилишида ҳам ўз аксини топган. Уларга бевосита сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш ва имзо варақаларининг тўғрилигини текширишда иштирок этиш ҳуқуқини беради. Бу янги меъёр сайловларнинг янада адолатли ва ошкора ўтишини таъминлаш учун хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

**2010 йил учун обуна бошланди**
**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси – 205.**

# «ЎЙНАЙМИЗ – ЎРГАНАМИЗ»

**Зангиота туманидаги 31-мактабгача таълим муассасасида шундай шиор остида қўлбола ўйинчоқлар кўргазмаси ташкил этилди.**

У тумандаги 35 та болалар боғчаси тарбиячиларининг шу ерда ўтган шўъба йиғилиши иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Интерфаол усуллар асосида ўтган давра суҳбатлари, ҳаракатчил ўйинлар, амалий руҳий-педагогик тренинг, баҳс-мунозаралар жараёнида иштирокчилар ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашишди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**Муборак Рамазон ойи кунларида мўмин-мусулмонлар рўза тутиб, тоат-ибодат билан Аллоҳ таологa шукроналар келтирадилар. Ана шулар ҳақида батафсил сўзлаб беришларини сўраб, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Ҳожи Абдураззоқ Юнусовга мурожаат қилди.**

# МУБОРАК ОЙ

– Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм. Аввало, барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами ва муборак Рамазони шариф ойи билан қутлайман.

Маълумки, рўза Қуръон оятлари, Пайғамбаримиз ҳадислари билан собит бўлгандир. Рўзанинг луғавий маъноси "мутлақ ўзини тийиш" бўлиб, рўзадор деб шариатда балоғат ёшига етган, Аллоҳ таоло розилигига эришиш умидида саҳардан то қуёш ботгунча, еб-ичишдан ўзини тийиб турган кишига айтилади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: "Кимки Рамазон ойида рўзанинг фарзлигига ишонган ва Аллоҳ таолонинг розилигини истаган ҳолда рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади", – дедилар.

Ислом енгиллик динидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди..." дейди (Бақара, 286). Унинг марҳамати ва ҳикмати билан бу ибодат ҳам қудрати етган кишиларгагина фарз қилинди. Агар бир киши хасталигининг кучайиши ёки тузалишининг кечикишидан қўрқса, сафарда бўлса, ҳомиладор ёки эмизикли аёл гўдагига зиён етишидан хавотирда бўлса ёки киши табаррук ёшга етган бўлиб, ҳолдан тойса ва рўза тутишга қурби етмаса, улар рўза тутмасликлари жоиз. Рўза тутишга моне бўлган сабаблар кетганидан сўнг, қолдирган кунларининг қазосини тутадилар. Табаррук ёшдаги отахон ва онахонларимиз рўза тута олмасалар ҳар кунги рўза учун бир мискин таоми микдорида фидя берадилар.

Барча ибодатлар каби рўзанинг ҳам ўзига яраша шартлари бор. Жумладан, саҳарликни таъхир қилиш (тонг отишига тақаб тўхтатиш), ифторликни эса, аксинча, тез (яъни, қуёш ботиши билан) қилиш мустаҳабдир.

Рўзадор фақат оч-ташна қолиши билан Аллоҳ таологa тақво қилган бўлмайди, балки барча ишда ўта ҳушёр, бошқалар билан муомалада мулойим бўлиши, ўз нафсига ҳокимлик қилиши лозим. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, беморларга ўзининг қалб қўри, меҳр тафти ила ғамхўрлик кўрсатиши даркор.

Рўзанинг мукаммал бўлиши учун рўзадор ёлғон сўзлаш, иғво ва бўҳтон қилиш, нолойиқ сўзлар билан ўзгалар дилини оғритиш каби иллатлардан ўзини сақлаши лозим. Бу борада Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида: "Қайси бир рўзадор ёлғон гапириш ва унга амал қилиш каби гуноҳларни тарк этмаса, ундай кишининг фақат еб-ичишни тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас", деб марҳамат қилдилар.

Рамазони шариф – тоат-ибодат, қут-барака, бахт-саодат ойидир. Шунинг билан бирга, бу ойда гуноҳлар мағфират этилиб, тавба-тазаррулар, чин ихлос ва эътиқод ила қилинган дуолар мустажоб бўлиб, қалблар таскин топади, қилинган хайрли ишлар савоби бир неча бор зиёда қилинган ҳолда қабул қилинади.

Бу мағфират ойида меҳр-мурувват, хайр-эҳсон, саховат, олийҳимматлик ҳар қачонгидан кўпроқ қилинади.

Қуръони каримда: "Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукр эди", дейилади. (Исро, 26-27) Демак, силаи раҳм ва турли хайр-эҳсонларни беришда ҳам меъёрдан ташқари харажат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш Аллоҳ томонидан ман этилган.

Шунингдек, Қуръони каримда хайр-эҳсонда ўртаҳол бўлганлар Аллоҳнинг суюкли бандалари эканлиги таъкидланади: "Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида – мўътадилдир". (Фурқон, 67)

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан: "Аллоҳнинг ноз-неъматларидан еб-ичинглар, садақа қилинглар, кийиниб, ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўйманглар!" дейилади. (Имом Аҳмад, Ан-Насаий, Ибн Можжа ривоятлари).

Исрофга йўл қўймаслик деганда фақат таомнинг ортиб қолиши ёки оёқ ости бўлишини тушунмаслик керак. Балки, ноўрин жойга қилинган эҳсон ҳам исрофдир. Демак, исроф бўлмаслиги учун, авваломбор, эҳсон қилувчи киши кимларга эҳсон қилиниши лозимлигини билмоғи керак, акс ҳолда, ўз эгаларига берилмаган эҳсон мақбул бўлмайди. Чунки, хайр-эҳсон ва зиёфат беришдан асосий мақсад муҳтож ва фақирларга моддий ёрдам кўрсатишдир.

Рамазон ойидаги ифторликни оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолатда, тежамкорлик билан ўтказиш шариатимиз талабларига мос тушади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, эҳсонни фақат зиёфат кўринишида эмас, балки ўша зиёфатга кетадиган маблағни муҳтож оилаларга, меҳрибонлик ва қариялар уйига, ободонлаштириш ишларига, ёшларнинг илм ва ҳунар олишлари учун сарф қилинса, мақсадга мувофиқ бўлур.

### Рамазон тақвими

| Рамазон кунлари | Август Сентябрь | Ҳафта кунлари | Саҳарлик | Ифторлик |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 22 | шанба | 4:09 | 19:12 |
| 2 | 23 | якшанба | 4:10 | 19:10 |
| 3 | 24 | душанба | 4:11 | 19:09 |
| 4 | 25 | сешанба | 4:12 | 19:07 |
| 5 | 26 | чоршанба | 4:13 | 19:06 |
| 6 | 27 | пайшанба | 4:14 | 19:04 |
| 7 | 28 | жума | 4:15 | 19:03 |
| 8 | 29 | шанба | 4:16 | 19:01 |
| 9 | 30 | якшанба | 4:17 | 18:59 |
| 10 | 31 | душанба | 4:18 | 18:58 |
| 11 | 1 | сешанба | 4:19 | 18:56 |
| 12 | 2 | чоршанба | 4:20 | 18:54 |
| 13 | 3 | пайшанба | 4:21 | 18:53 |
| 14 | 4 | жума | 4:22 | 18:51 |
| 15 | 5 | шанба | 4:23 | 18:49 |

| Рамазон кунлари | Сентябрь | Ҳафта кунлари | Саҳарлик | Ифторлик |
|---|---|---|---|---|
| 16 | 6 | якшанба | 4:24 | 18:48 |
| 17 | 7 | душанба | 4:25 | 18:46 |
| 18 | 8 | сешанба | 4:26 | 18:44 |
| 19 | 9 | чоршанба | 4:27 | 18:43 |
| 20 | 10 | пайшанба | 4:28 | 18:41 |
| 21 | 11 | жума | 4:29 | 18:39 |
| 22 | 12 | шанба | 4:30 | 18:38 |
| 23 | 13 | якшанба | 4:31 | 18:36 |
| 24 | 14 | душанба | 4:32 | 18:34 |
| 25 | 15 | сешанба | 4:33 | 18:32 |
| 26 | 16 | чоршанба | 4:34 | 18:31 |
| 27 | 17 | пайшанба | 4:35 | 18:29 |
| 28 | 18 | жума | 4:36 | 18:27 |
| 29 | 19 | шанба | 4:37 | 18:26 |
| 30 | 20 | якшанба | 4:38 | 18:24 |

**Рўза тутиш (оғиз ёпиш) нияти:** *Навайту ан асума совма шаҳри Рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала, Аллоҳу Акбар!*

**Ифторлик (оғиз очиш) нияти:** *Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқика афтарту, фағфирлий ма қоддамту ва ма аххорту бироҳматика йа арҳамар роҳимийн, Аллоҳу Акбар!*



# БИЗ СОҒЛОМ БЎЛАМИЗ

**Республика "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Низомга кўра, халқ таълими тизимидаги мактабгача таълим муассасаларининг 5-6 ёшли тарбияланувчилари ўртасида "Соғлом авлод – соғлом келажак" мавзусида соғломлаштириш кунлари ўтказилмоқда.**

Ҳар ойда бир марта ўтказиладиган бу тадбир вилоят ва Янгийўл шаҳар "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамкорлигида шаҳардаги мактабгача таълим муассасаларида ҳам бўлиб ўтди.

Соғломлаштириш кунларида болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Мутахассисларнинг "Камқонлик нима?", "Йод танқислиги ва болаларнинг ривожланиши", "Рахит касаллиги ва унинг олдини олиш", "Болаларда гижжа касаллиги" мавзусидаги маърузалари тингланди.

– Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад, – дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси шаҳар бўлими раиси Зуҳра Ҳайдарова, – болажонларнинг руҳий ва жисмоний қобилиятини, дунёқарашини шакллантириш ҳамда уларнинг спортга қизиқишларини оширишдир.

Шундай тадбирлардан бири 13-"Қувонч" мактабгача таълим муассасасида уюшқоқлик билан ўтди.



Тадбир эрталабки бадантарбия машқлари билан бошланди. "Ўйинчоқларимизни тоза тутамиз ва ранг-баранг ўйинчоқлар тайёрлаймиз" машғулотлари ташкил қилинди. Педиатр ва тиш шифокори болалар ўртасида "Жозибадор табассум" мавзусида интерактив суҳбат ва ўйинлар ўтказди.

Гуруҳлар ўртасидаги "Қувноқ стартлар" спорт мусобақаси айниқса, қизиқарли бўлди. Ўғил-қизлар узунликка сакраш, арқон тортиш, ҳалқа айлантириш, тез югуриш, тўпни узоққа улоқтириш сингари шартларни бажардилар. Ғолибларга совғалар улашилди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

**СУРАТЛАРДА:** бундай тадбирлар болажонларнинг қувончига қувонч қўшаяпти.

**Еркебой БОТИРОВ, олган суратлар.**

## Футбол



# «НУРАФШОН» – ТУРНИР ҒОЛИБИ!

**Зангиота туманидаги Эшонгузар қўрғонида футбол бўйича маҳаллалар ўртасида очиқ турнир ўтказилди.**

Анъанавий мусобақада мазкур қўрғондаги маҳаллалар фуқароларидан таркиб топган ўнта жамоа ғолиблик учун куч синашди.

– Футбол мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган энг оммавий спорт турларидан, – дейди мусобақа ташкилотчиларидан бири Хуршид Тошпўлатов. – Мазкур мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – маҳалла болалари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва уларда спортга, жумладан, футболга меҳр уйғотишдир.

Ўн биринчи маротаба ўтказилган мусобақада бу гал "Нурафшон" жамоаси ғолиб бўлди. Финалга чиқиш учун еттита рақибни мағлубиятга учратган "Нурафшон" вакиллари ҳал қилувчи баҳсда "Эшонгузар" жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Ғолибни аниқлаш учун ўтказилган пенальтилар баҳсида эса омад "Нурафшон" томонида бўлди – 4:2.

**Аъло АБДУЛЛАЕВ.**

# МАВСУМ ЯКУНЛАНДИ

**Бўстонлиқ тумани Оқтош қўрғонидаги "Кимёгар" болалар оромгоҳи ёзги дам олиш мавсумини якунлади.**

Болажонларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг дам олишларини қизиқарли тарзда ўтказиш мақсадида ташкил этилган мазкур оромгоҳда олтмиш нафар кам таъминланган оила фарзандлари ҳордиқ чиқаришди.

Таъкидлаш жоизки, болажонларнинг кўнгилли дам олишлари учун оромгоҳда турли маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари, давра суҳбатлари ва интеллектуал ўйинлар ўтказилди. Ўндан зиёд малакали педагог-тарбиячи ҳамда етакчилар бириктирилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тўғрисида тўхталиб ўтишди. Бундан ташқари, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан олиб борилаётган кўпгина хайрли ишлар ҳам таҳсинга сазоворлиги қайд этилди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, "Туркистон-пресс".**

## Бу қизиқ

# СУПЕР АРАВА

**Лондондаги "Harrods" универмагига қўйилган болалар аравачаси 6 минг фунт-стерлингга сотилди, деб хабар қилади "The Daily Mail".**

"Silver Cross" кажаваси бежирим сатин билан қопланган бўлиб, ҳатто, стерео тизими ҳам ўрнатилган. Аравачанинг ҳамма қисми, жумладан, ғилдираклари ҳам олтин билан қопланган. Тери қопламасининг юқори қисми сувсар мўйнаси билан безатилган. Бундан ташқари, кажавага ўрнатилган мусиқий қутича орқали алла ҳам тинглаш мумкин.

**Файзулла АБДУЛЛАЕВ.**

## Рассом ҳандаси




– *Туни билан қаерда эдинг, дайди?*
– *Кечирасиз, хўжайин, интернет клубда ушланиб қолдим.*

Жаҳонгир МИРЗО чизган расм.

## Ҳаёт сабоқлари

# ЎЗГАНИНГ ЁҒЛИҚ ОШИДАН...

Норбувининг юрагига қил сиғмайди. Ёлғизгина ўғли чет элда яшашни орзу қилиб қопти. Не-не умидлар билан боқиб, катта қилувди. Эҳ, эсиз!

Ўшанда онаси айтувди-я, бировнинг боласи эл бўлармиди, деб. Қандоқ қилсин, Нурпўлат акасига ўғил туғиб берай, деб кетма-кет учта қизлик бўлди. Эрини оққўнгил, соддалиги учун ҳам яхши кўрарди. Ҳатто, тўйлардан кўнгли ўксиб қайтсада, хотинига билдирмас, "менинг полвон қизларим, сизларга ҳам той олиб бераман" дея эркалашларини эшитганда ичидан зил кетарди. Шунинг учун ҳам...

Ўзи яхшилаб суриштириб, кейин олса бўларкан-да, болани. Ким билсин, яна. Ахир "туққан эмас, боққан она" дейишмасмиди? Кўкрак сути бермаса ҳам, бор меҳрини бериб катта қилувди. Мақсадимга етдим дея Мақсадбек қўювди исмини. Аслида Мақсадбеги ёмон чиқмади, ақл-ҳушли, одобли, меҳрибон, аммо бироз эркароқ, айтган сўзидан қайтмайди. Бир оғиз сўзи ўзидан анча катта уч опасига ҳам қонун, айтгани айтган эди-да. Уларнинг меҳр-оқибатини кўриб, Норбувининг қувончи ичига сиғмас, "барибир эркакнинг йўриғи бошқа", деб ғурурланиб қўярди...

Нима бўлди-ю, "Грин картадан ютдим, энди Америкада яшаймиз", деб кириб келса бўладими, боласи тушмагур. Онаизор «ялт» этиб ўғлига, сўнг келинига қаради. Келини хурсандчилигини яширолмай, ерга боқди. Норбувининг кўз олдига ширингина бўлиб қолган икки невараси келди.

"Сизниям олиб кетамиз, ойижон!" Келинининг бу гапи ошиб тушди. "Ишни пишитиб қўйиб, энди ялтоқланишини қара-я, бунинг". Қайнона ломмим демади. Унинг бир одати бор, қаттиқ хафа бўлса, индамай қўя қолади. Мақсадбек онасининг ҳолатини сезиб, тушуниб турса-да, сир бой бермади:

– Аввалига беш йил яшаб кўрар эканмиз, ёқиб қолса...

Унинг гапи оғзида қолди. Энди она чидай олмади.

– Э, болам-а, қаерда бўлсанг ҳам омон бўл. Аммо, эл-юрт соғинчи, Ватан фироғи ёмон бўлади. Сен бунга чидолмайсан! Мен буни биламан.

Ҳақиқатдан ҳам онасининг айтгани бўлди. Аслида-ку, Мақсадбекнинг иши ёмон эмас, бировдан олдин, бировдан кейин, куни ўтиб турувди. Лекин кўнгли қурғур бундан-да тўкис, дабдабали турмушни тусаб қолди. Бунга келиннинг казо-казоларнинг қизлари билан қиладиган борди-келдилари сабаб бўлса ажаб эмас. Кунига яраб турган "Тико"си ҳам ёқмай қолди. "Матиз", "Нексия" бўлса эди. Чет элда яшаса, бир йилда ҳам машина, ҳам данғиллама уйли бўлади"...

Эр-хотиннинг ширин орзулари ортида нима борлиги кейин маълум бўлди. Тез орада опалари ёрдамида инглиз тилини сув қилиб юборди. Болалари ҳам анча-мунча сўзлашадиган бўлиб қолишди. Шундай қилиб, узоқ кутилган кун ҳам келди. Бир вақтлар ушалмас орзу бўлган уммонорти мамлакати энди Мақсадбек ва унинг оиласини гўё қучоқ очиб кутиб олмоқда. Самолётнинг ерга қўниши осон эмас, юраклар бир ҳаприқиб, ерлар зириллайди. Бу ҳолат Мақсадбекка бошқача таъсир қилганлиги рост. Шундоғам, қандайдир ҳадик, хавотирдан бўшашган вужуди гўё ичидан тўкилиб тушган, оёқларда жон йўқ эди. Бир зум ортга қайтиш истаги миясини ёриб ўтгандек бўлди-ю, шу чоққача кетган харажатларини ўйлаб, чуқур хўрсиниб қўйди. Ўзга ерга қадам қўйгач эса, тақдирга тан берди, начора, уни ҳеч ким зўрлагани йўқ. Ўзи келди...

Бир-икки кун янги меҳмонларга кўрсатиладиган мулозаматдан кейин турмушнинг икир-чикир ташвишлари бошланди. Тураржой, иссиқ-совуқ сув, чироқ, ёқилғи тўловларини ўз юртидаги билан солиштириб кўриб, капалаги учди. Одамлар ҳам худди электрон ҳисоблагичнинг ўзи-я?! Ҳар бир хатти-ҳаракати яшаш учун кураш, пул топишга қаратилган. Ҳатто, кексалар ҳам ўзи учун ўзи егулик топиши керак. Чунки, фарзандлар "қанот чиқаргач" учиб кетишади. Учиб кетолмаганлари эса, ота-онани очиқчасига қариялар уйига олиб бориб қўйишади. Улар учун бу оддий ҳол. Балки ҳаёт тарзи шундайдир: ота-она фарзандларига, фарзандлар эса, ота-онага қарам эмас. Энди болаларни ташлаб хоҳлаган жойига боролмайди. Тоби қочиб, кайфияти бўлмаса, ҳол сўровчи жигарлар, пешонасини силаб, иссиқ чой тутувчи онаси йўқ. Мевалари ғарқ пишган боғ-роғ, кенг далаю қирларнинг ёқимли ҳавоси нақадар тотли эди.

– Ҳа, нима бўлди, яна иш тополмадингизми?

Хотинининг зардали гапига Мақсадбек ҳам силтаб жавоб берди:

– Ҳа, катта холангнинг уйидамидикки, бир зумда айтганинг бўлса...

Шу аснода яна 5-10 кун ўтди. Энди пуллари яна неча кунга етиши, мабодо тугаб қолган тақдирда нима қилиш мумкинлиги ҳақида ўйлай бошлашди. Хуллас, Мақсадбек хаёлидаги олтин тоғлар аста-секин нураб борарди. Кейинги пайтларда онаси тез-тез қайтарадиган мақоллари қулоғи тагида жаранглайдиган бўлиб қолди: "Ҳар ерни қилма орзу...", "Ўзганинг ёғлиқ ошидан, ўзингнинг ёвғон шўрванг яхши", "Ёт ярлақамас, ўзингники ўлдирмас"...

Эҳ, онажон, қани энди қанотларим бўлса, ёнингизга учиб борсам...

Бугун Норбувининг чеҳраси очиқ. Ундан хабар олгани келган қизлари ҳам онасидаги ўзгаришни дарров пайқашди.

– Ҳа, ойижон, Мақсадингиз билан гаплашдингизми, кайфиятингиз чоғ?!

– Ҳа, тушимга кирибди. "Отамнинг кўйлагини беринг, байрамга кияман", деяётган эмиш. Бизни соғинганга ўхшайди болагинам...

– Юрагингиз сезибди. Суюнчи бераверинг...

Бир ҳафта ўтар-ўтмас, Мақсадбек болаларини етаклаб кириб келди. Орқасида келини. У ҳазин овозда деди:

– Ойижон, уйимизни соғиниб кетдик. Ўғлингиз сизларни кўрмаса, яшай олмас экан. Кечиринг...

**Сайёра РИХСИЕВА.**

Зангиота туманида рўйхатга олинган «OLAM-PLAST TIJORAT» (ИНН 205569643) масъулияти чекланган жамияти ўз устав фондини 40 334 560 сўмдан 15 334 560 сўмга камайтиради.

Даъво аризалари бир ой муддат ичида Зангиота тумани, Қатортол ҚФЙ, Х. Ваҳобов кўчаси, 18-уй манзилида қабул қилинади.

Ҳамза туманидаги 15-ҳунар-техника билим юрти томонидан 1992 йилда Назаров Алишер Исманович номига берилган 0455526 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО «AFRODITA INTUR» (ИНН 301024206), расположенное по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. 1-й пр. Занжирсарой, д. 14, зарегистрированное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Хамзинского района 9 января 2009 г. за № 002156-07, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение о добровольной ликвидации от 10.08.2009 г. за № 5).

Претензии принимаются в течение одного месяца по тел.: 298-43-57.

Общество с ограниченной ответственностью «FERGHANA FRUIT DISTRIBUTERS» сообщает о смене фирменного наименования в совместное предприятия «FERGHANA FRUIT DISTRIBUTERS» в форме ООО. СП ООО «FERGHANA FRUIT DISTRIBUTERS» становиться правоприеемником всех долгов и обязательств ООО «FERGHANA FRUIT DISTRIBUTERS» (ОКПО 21561889).

Претензии принимаются в течение 1-го месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Кушбеги, д. 6.

Утерянный земельный кадастр № 4117659097 и кадастр на здание № 10030302020015, выданный ГУРЗО и К по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Катартал, д. 60 на ООО «Yoshlar matbuoti»,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Мунаввара ИСОҚУЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАХМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Нашр индекси – 205. Буюртма Г-740. Адади 4312. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00. 2 3 4 5